

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, XII боб, 55-модда.



ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

37
(1043)-son

14-sentabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

ЖАМИЯТ ва АКТ



Интерактив мулоқот

"Ўзбекэнерго" ДАК электр энергияси етказиб беришнинг автоматлаштирилган биллинг тизимини ишга туширди

Бугун мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқ хўжалигини барча тармоқларида ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан фойдаланилмоқда. Буни газетамиз саҳифаларида турли соҳаларда АКТнинг жорий этилиши ҳақидаги бериб борилаётган мақолалардан ҳам билса бўлади. Газетамизнинг ушбу сонида "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси фаолиятида татбиқ этилган ахборот-коммуникация технологиялари имкониятлари хусусида сўз юритишни лозим топдик.

5-бет

12-бет

ЎБУНА-2013

МАВСУМ БОШЛАНДИ: ҲАМКОРЛИҚДАГИ ҲАРАКАТ ЗАРУР

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам сентябр ойдан вақтли матбуот нашрларига келгуси йил учун обуна бошланди. Оммавий ахборот воситаларининг халқимиз ҳаётидаги ўрни бекиёсслигини, жумладан, республикамиз ҳукумати олиб бораётган сиёсатни аҳолига етказишда ҳамда келажакимиз эгалари бўлган ёшларимизни ҳар томонлама баркамол, юртпарвар, меҳнатсевар қилиб тарбиялашда газета ва журналларнинг алоҳида ўрни мавжуд эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш шу иш учун масъул барча ташкилотларнинг, вақтли матбуот нашрларида фаолият кўрсатаётган журналистларнинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклатилган.

Жорий йилнинг 7 сентябр куни Ўзбекистон миллий матбуот марказида ўтказилган "Босма оммавий ахборот воситаларини тарқатиш тизимини янада такомиллаштириш, обуналар нархини пасайтириш борасида белгиланган устувор вазифалар, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари" мавзусидаги матбуот анжумани ҳам мавсум бошланиши муносабати билан ташкил этилди.

Сўнги янгилик!

Apple корпорацияси 12 сентябр куни Сан-Францискода янги iPhone 5 смартфонни тақдимотини ўтказди.

Янги iPhone аввалгиларига қараганда 18 фоиз юпқа (7,6 мм) ва 20 фоиз енгил (112 г) ҳамда ишлаб чиқарувчи компания вакилининг сўзларига кўра дунёнинг энг юпқа смартфонни ҳисобланади.

Шунга қарамай, унинг дисплейи каттароқ кўринишга эга — 4 дюйм (ҳажми — 1136 x 640 пиксел, аввалгилари 3.5 дюйм эди). iPhone 5 Apple томонидан ишлаб чиқилган A6 процессорига, аввалгиларидан икки баравар тез ишлайди. Қурилма LTE (4G) ва Wi-Fiнинг икки диапазонида сониясига 150 мегабит тезликда маълумот қабул қила олади.

iPhone 5 оқ ва қора рангда 16, 32 ва 64 Гб хотираси билан сотувга чиқарилади.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

ТАТУ телевизион технологиялар факултети — "Спорт кино ва телевидениеда" халқаро фестивали совриндори	2
69та бепул Wi-Fi зоналари	3
Жаҳонга чиқиш йўлида	4
6 лет на яркой стороне	6
Ижтимоий тармоқдагиларнинг "бахт чегараси"	11
Фароғат қасри	14

Теледастурлар, спорт, сканворд

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 сентябр куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазирининг ўринбосари Хуэй Ляньини қабул қилди. Оқсаройдаги суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 11 сентябр куни Оқсаройда Қирғиз Республикаси, Туркманистон, Руминия ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги янги Факулдодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Эмилбек Узақбаев, Шири Ширiev, Ромео Станчу ва Жорж Эдгар ишонч ёрликларини тошхирди.

Матбуотда "Мардлик" орденини таъсис этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни эълон қилинди.

Мамлакатимизда 12 сентябр куни "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция очилди. Мазкур нуфузли анжуманда ўнлаб мамлакатлардан икки юздан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон савдо-саноат палатасида 10 сентябр куни Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Анжуманда икки мамлакат ўртасида иқтисодий, сармоя, савдо, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, энергетика, кўмир ва кимё саноати, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик каби соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Наманган, Сирдарё ва Андижон вилоятларида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида анъанавий ўтказиб келинаётган "Келажак овози" республика иқтидорли ёшлар танловининг вилоят босқичлари волибларини тақдирлашга бағишланган маросимлар бўлиб ўтди.

Самарқанд тиббиёт институтида "Болалар жарроҳлиги, урология, анестезиология-реаниматология ва неантологияда янги технологиялар" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Яқинда Германияда нашр этиладиган "Гамбургер Абендблатт" газетасида ўзбек халқининг бой тарихий-маданий мероси, хусусан, Буюк Ипак йўли ганжиналари — Марғилон, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига бағишланган мақола эълон қилинди. Унда мамлакатимиз бағрида жойлашган кўхна шаҳарлар ҳамда авлоддан-авлодга ўтиб келатган халқ амалий санъатининг ўзига хос жиҳатлари атрофича қаламга олинган.

TATU телевидион технологиялар факултети —

"Спорт кино ва телевидениеда" халқаро фестивали совриндори

Ўзбекистон спорт киноси ва телевидениеси федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро саралаш фестивалига мамлакатимиздан ташқари АҚШ, Буюк Британия, Россия, Испания, Германия, Франция, Италия, Туркия, Австралия, Хитой, Ҳиндистон каби дунёнинг йигирмага яқин давлати ижодкорларининг олтишдан зиёд ҳужжатли ва телевидион филмлари, репортаж ва очерклари, ижтимоий роликлари тақдим этилди.

Улар орасидан танлаб олинган ўттизта асар фестивалда наомийш қилинди.

Ўзбек ижодкорлари фестивалда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Спорт" телерадиоканали,

"Ўзбектеелефилм" давлат унитар корхонаси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, шунингдек, нодавлат телеканал ва киностудиялар томонидан тайёрланган ҳужжатли асарлари билан катнашди.



"Ўзбектеелефилм" давлат унитар корхонаси кинооператори Анвар Авазхўжаевнинг уч қарра Олимпия ўйинлари ғолиби Артур Таймазов ҳақидаги "Ғалаба сари йўл" филми "Олимпия ўйинлари — олимпия руҳи" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Эътиборли жиҳати, фестивалда Тошкент ахборот технологиялари университети телевидион технологиялар факултети талабалари — Ҳожиакбар Исмоилов ва Зафар Холмуротовларнинг "Спорт маликаси" филми совриндорлар қаторидан жой олди.

Филм Зумрадхон исми ТАТУ талабаси ҳақида. У университетда ўқиш баробарида спортнинг ушу тури билан шуғулланади. Филмда унинг эрта тонгдан спорт билан шуғулланиши, сўнг университетга келиб дарсларда иштирок этиши, дарслардан кейин эса хитой, инглиз тилларини ўрганиши акс эттирилган.

Фестивалда ушбу филм юқори баҳолашиб, нуфузли соврин ва диплом билан тақдирланди.

Меҳри СИДИҚОВА,
ТАТУ талабаси



"LEX.UZ"нинг янги имкониятлари

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятига ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан яратилган қонун ҳужжатларининг ягона электрон базаси аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ушбу "Lex.uz" маълумотлар базасига мустақиллик йилларида мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномалар ҳамда Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди қарорлари киритилган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида "Lex.uz" — қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий тизимининг янги имкониятлари хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Е.Қанязов мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилаётган эътибор қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилаётган



нинг таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 2010 йил 1 январдан бошлаб барча фуқаролар қонун ҳужжатлари базасидан бепул фойдаланиш имконига эга бўлди. Аҳолига янада кенг қулайлик яратиш мақсадида "Lex.uz"дан интернет тармоғи ва мобил телефон орқали фойдаланиш имконияти ҳам йўлга қўйилди.

"Lex.uz" дастури орқали миллий қонунчилигимиз тарихи билан танишиш, мустақиллик даврида амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларига оид адабиётларни ҳам топиш мумкин. Ҳозир тизимга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларини киритиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

Uza.uz

ФАКТ:

"Lex.uz" ахборот дастурида 25 мингга яқин ўзбек ва рус тилларидаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар жамланган.

69та бепул Wi-Fi зоналари

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида "Келажак овози" бепул Wi-Fi зоналари очилди. Бу Фонд Форум, "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари марказининг ҳамкорликдаги лойиҳаси бўлиб, уни амалга оширишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўмаклашди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг 69та олий ўқув юртидаги (Тошкентдан ташқари) "Келажак овози" Wi-Fi зоналарида роутерлар (иккита алоқа тармоғи коммутацияси учун махсус курилмалар) ўрнатилди. Симсиз интернетдан педагогик таркиб ҳам, ўқувчилар ҳам бепул фойдаланиши мумкин.

Wi-Fi зоналарининг очилиши 5-7 сентябр кунлари "Келажак овози" Республика танловининг вилоят босқичлари доирасида тақдирлаш маросими доирасида ўтказилди. Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида Wi-Fi зоналар очилиши 27-29 август кунлари Фонд Форум Васийлик кенгашининг раиси Гулнора Каримова иштирокидаги ёшлар форумлари доирасида бўлиб ўтди.

Бепул Wi-Fi нукталарни ташкил этиш ғояси "Биз — бир жамоамиз" акцияси доирасида эълон қилинган. Ушбу ғоя ноёб лойиҳага айланди. Лойиҳа 2010 йили "Келажак овози" ЁТМ қошида ташкил этилган Инновацион ғоялар маркази (ИФМ) томонидан ишлаб чиқилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Давлат патент идораси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фан ва технологиялар ривожини мувофиқлаштириш бўйича қўмита, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент Давлат техника университети ИФМнинг ҳамкорлари ҳисобланади.

Марказ иштирокчилари ушбу лойиҳани амалга ошириш устида бевосита ўзлари ишлади, бунда уларга доимий тарзда кўмак кўрсатилмоқда.



"Ўзбектелеком" АК: Грантлар танлови якунланди

Ўзбекистон Республикаси ёшларини юксак маънавият руҳида тарбиялашга имкон берувчи фан ва таълим, маданият ва ҳордиқ чиқариш соҳасидаги Интернет тармоғи миллий сегментини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, миллий ижтимоий тармоқларни, ўйинлар порталларини ва бошқа контент-ресурсларни ташкил қилишга ёрдам кўрсатиш мақсадида "Ўзбектелеком" АК томонидан 28 июнда грантлар олиш учун иккита танлов эълон қилинган.



Танлов йўналишлари:

1. Ижтимоий хусусиятдаги интернет-лойдҳалар, инсонларни касбий йўналиши, қизиқишлари бўйича бirlaштирувчи ҳамда Ўзбекистон аҳолиси менталитети ва анъаналарини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган Ўзбекистон миллий ижтимоий тармоқларини кенг ривожлантиришга ёрдам берувчи лойиҳалар.

Грант миқдори: 30 млн. сўм;

2. Кўнгилочар интернет-лойдҳалари, лицензияга эга аудио-видео матери

алларига бой (клиплар, фильмлар, мултфильмлар, мусиқа асарлари) ва бошқа кўнгилочар, медиа-контентлари (флеш-ўйинлар, комикслар) билан Ўзбекистон Республикаси маънавий-ахлоқий меъёрларига зид бўлмаган интернет лойиҳалар.

Грант миқдори: 30 млн. сўм;

Грант олиш учун танлов иштирокчиларининг аризаларини баҳолаш бўйича эксперт гуруҳининг ҳулосаси ва компаниянинг буйруғига биноан қуйидаги танлов иштирокчилари грантларни

қўлга киритдилар:

Ижтимоий йўналиш бўйича: www.muloqot.uz ("Simple Networking Solutions" МЧЖ)га 15 млн. сўм миқдоридан грант ажратилди. www.ladoshki.uz ("LADOSHKI" ХК) ва www.kelajakpress.uz ("Келажак овози" ЁТМ)га 7,5 млн. сўм миқдоридан грант ажратилди.

Ҳордиқ чиқариш йўналиши бўйича: www.mediabay.uz ("Media Bay Asia" компанияси)га 30 млн. сўм миқдоридан грант ажратилди.

Янги технология асосида

Бугунги кунда яратилаётган кенг имкониятлардан ўз ўрнида фойдаланаётган ёшларнинг кўпчилиги ҳар қандай мураббий-устозларни гурурлантиради. Шу ўринда замонавий ўқув техник воситалари, лингафон хоналари, махсус дастурлаштирилган мавзулар, кўп тилларни ўзида жамлаган электрон лугатлар ҳам ёшларнинг жаҳон тилларини пухта эгаллашларига хизмат қилмоқда.

— Биз ёшларга ҳар йили олий ўқув юртларида ўтказиладиган илмий-амалий анжуманларда ўз мақолаларимизни чет тилида тайёрлаб, иштирок этишимиз ҳам чет тилларни ўрганганимизда муҳим аҳамият касб этаётир, — дейди Марғиялон шахридаги академик лицейнинг компютер саводхонлиги бўлими ўқувчиси Гулсанам Муҳаммадҷонова. — Чет тилларини ўрганишда компютерлардан фойдаланиш анча қулайлик яратмоқда. Дарс жараёнларида компютерда дастурлаштирилган мавзулар ёрдамида ўз билимларимизни оширибгина қолмай, компютерда ишлаш малакамизни ҳам мустаҳкамлаётимиз.

Ёшларимиз интернет орқали мутахассислик фани бўйича ривожланган мамлакатлар — АКШ, Англия, Германия, Россия, Франция ва бошқа мамлакатлар кутубхоналаридан китоб, журнал ва янгиликлар олишга ҳаракат қилишмоқда. Хорижий тилларни ўзлаштиришда янги технологияларини қўллаш ёшларни мустақил фикрлашга, янги билимларни эгаллашга, дунёқараши ва тафаккурини ривожлантиришга, ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи юқори малакали мутахассис бўлиб етишишга ёрдам беради.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ



UZ доменини рўйхатга олувчилар сони ошди

UZINFOCOM маркази Ўзбекистон ҳудудларидаги тўртта Компютерлаштириш марказига домениларни рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқини берди. Булар — Фарғона, Наманган, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги Компютерлаштириш марказларидир.

Марказлар ходимлари ўқитилиб, уларга бошқа рўйхатга олувчилар билан бир қаторда домен администратори маълумотлар базасига йўл берилди. Энди юқоридаги ҳудудлар аҳолиси ўз ҳокимликлари ҳузурдаги Компютерлаштириш марказларига мурожаат қилишлари мумкин.

Бунга қадар UZ доменида еттига рўйхатга олувчи фаолият кўрсатаётган ади: "Tomas" МЧЖ, "Amaliy Aloqalar Biznesi" МЧЖ, "Sarkor Telecom" МЧЖ, "Billur COM" МЧЖ, "Arsenal-D" МЧЖ ва "SIMUS" МЧЖ ҳамда домениларни рўйхатга олиш бўйича хизмат кўрсатишни тўхтаган "CCC" МЧЖ.

Шунингдек, UZ миллий доменини янада ривожлантириш мақсадида бошқа вилоятлардаги Компютерлаштириш марказларига ҳам рўйхатга олувчи мақомини бериш режалаштирилган. Уларнинг сонини ошириш Ўзбекистон ҳудудларида домен номларини рўйхатга олишни анча енгиллаштиради.

Ўз мухбиримиз

Xalqaro hayot



ШРИ-ЛАНКАда ўтган "Facets Sri Lanka" заргарлик буюмлари кўрғазмасида ўғрилик содир бўлди. Кўрғазма иштирокчиларидан бири намойишга қўйилган қимматбаҳо олмосдан ишланган буюмни ютиб юборган. Ўғрилик мақсадида қимматбаҳо тошни ошқозонига жойлаган 32 ёшли жиноятчи воқеа жойида қўлга олинган.

Гувоҳларнинг айтишича, номаълум шахс қимматбаҳо тошлар турган витрина ёнига бориб, олмослардан бирини кўрсатишни сўраган. Ушбу ноёб буюмни синчиклаб кўздан кечирган ўғри уни зудлик билан ютиб юборган. Воқеадан ҳайратда қолган кўрғазма ходими дарҳол полиция ходимларига мурожаат қилган. Тахминан ўн беш минг АҚШ долларига баҳоланаётган мазкур заргарлик буюминини шифокорлар жиноятчининг ошқозонидан қийинчиликсиз чиқариб олган.

ПОЛША пойтахти Варшавада баландлиги олти метрга тенг шоколадли палма дарахти бунёд этилди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ушбу ширин палманинг оғирлиги 220 килограммга тенг бўлиб, ўттиз бешта барги бор.

Шаҳардаги майдонлардан бирида "ўстирилган" бу палмини тайёрлаш учун 300 соат вақт кетган. Акция ташкилотчиларининг сўзларига кўра, бундан кўзланган мақсад иш ташвишлари ва уй юмушларидан қарчаган пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари қалбига оз бўлса-да кўтаринкилик улашишдан иборат. Майдонга йиғилганлар ана шу лаззатли ширинликдан татиб кўриш имкониятига эга.

GERMANYAнинг "Opel" автомобилсозлик компанияси мамлакатдаги икки заводни вақтинча ёпиши ҳақида маълум қилди. Бу чора Рюсселсхайм ва Кайзерслаутерн шаҳарларидаги заводларга тегишли. "Reuters" ахборот агентлигининг хабар беришича, бунинг асосий сабаби Европа минтақасида автомобилга бўлган талаб кескин пасайиб кетгани билан боғлиқ. Дунёда давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз туфайли одамлар янги автомобил харид қилмай қўйган.

ЯПОНИЯ полицияси кутубхонадан қарий тўққиз юзта китобни ўғирлаб олиб чиққан қарияни хибсга олди. Аввалига 61 ёшли Мицуку Суицунни олти ой ичида кутубхонадан мутулаа учун ўн бешга яқин китобни олиб қайтармаганликда айбланган. Бироқ унинг уйи тинтув қилинганда тўққиз юзга яқин турли хилдаги ўғирланган ноёб китоблар топилган. Мицукунинг сўзларига кўра, у мутулаа қилган барча китоблар ўзида қолишини истаган ва кутубхонадан бир неча йиллар мобайнида китобларни ўғиринча олиб чиққан.

Ёзишларича, китоб ўғирсининг кутубхонага етказган зарари икки миллион ийен (тахминан 25 минг АҚШ доллар)га тенг. Энди Мицуку Суицунни ўн йиллик камок жазоси ёки беш юз минг ийен миқдордаги жарима кутмоқда.


AVSTRALIYAлик шифокорлар мураккаб жаррохлик амалиётини амалга оширди. Хабарларга қараганда, кўзилдан айрилган бир аёлга сунъий кўз ўрнатилган. Вноник деб номланган ушбу сунъий кўз процессор ва видеокамерадан иборат.

Ҳозирча бемор фақат оқ ва қора ранглари ажратиб, тўсиқларни кўра оляпти, холёс. Шифокорлар беморнинг тизик кўриши учун "кўз ускунаси"ни янада такомиллаштиришни режалаштиришмоқда.

Жаҳонга чиқиш йўлида

"Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўли фойдаланишга топширилгач, Термиз алоқа-ишорат корхонаси фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Илгариги алоқа воситалари тараққиёт талабига жавоб бермай қолган эди. Шу боис 42 миллион долларлик Япония кредитининг бир қисми темир йўл тизимида хизмат қилаётган қурималарни янгилашга сарфланди.

Корхона бошлиғи ўринбосари Азамжон Курбоновнинг айтишича, Япониянинг "Масурий" компанияси билан ҳамкорликда янги "пўлат из" ўзани бўйлаб катта ҳажмдаги иш бажарилди. Ёки Қаршидан Қумқўрғонгача замонавий оптик толали кабел тортилди. Шунингдек, ажратилган кредит ҳисобига биргина Сурхондарё вилояти ҳудудида етти та темир йўл станцияси компьютерлаштирилди. Дарбанд, Бойсун, Тангимуш ва Қумқўрғонга жами бир минг бир юз-у етмишга электрон рақамли телефон ўрнатилди. Янгилик туфайли аввалгидек коммутаторга "Фалон станцияни улан" дейишга ҳожаат қолмади. Аксинча, ҳамкасблар тўғридан-тўғри ва тезкорлик билан боғланиб, қимматли вақтдан унумли фойдаланишмоқда. Қолаверса, ўрнатилган рақамли телефонлар Ўзбекистон темир йўллари компаниясининг ягона тармоғига уланган. Соҳани компьютерлаш-



тириш юк ва йўловчи поездларнинг ишчи ҳаракати назоратини йўлга қўйишда ҳам катта аҳамият касб этипти. Хусусан, вагон ўқларига электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган. Борди-ю, икки станция оралмида вагонлар узилиб қолса, бу ҳақда компютер ҳар иккала томонни ўз вақтида хабардор этади. Бундан ташқари, бирон жойда носозлик бўлса, бу ҳолат ҳам компютер экранда кўринади ва уни тўзатиш юзасидан тегишли чора-тадбир қўрилади.

Эътиборлиси, "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўли тобо-



ра халқро мақом олмақда. Ўтган йили қўшни мамлакат — Афғонистонга халқро юкларни ташиш мақсадида Хайротан — Мозори Шариф темир йўли қурилди. Ҳозир бу йўлда "Сугдиёна" шўъба корхонаси аъзолари меҳнат қилишмоқда. Келажакда бу 80 километрлик пўлат из ўзани Хиротта, ундан кейин Карачига етказилади. Натижада мустақил мамлакатимизнинг дунё майдонига чиқиши янги поғонага кўтарилади. Шу жиҳатдан олганда, Термиз алоқа-ишорат корхонаси аъзолари олдида энг улур ва фойт масъулиятли вазифа турибди. Улар халқро темир йўлни компютерлаштириш ишларида фаол иштирок этишади.

Нортожи ЗИЁЕВ,

"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

DAVLAT ALOQA INSPEKTSIYASIDA

Мажбуриятни унутмайлик

ёки Почта алоқаси хизматлари сифати қай даражада?

Жамиятимизда бошқа соҳалар сингари почта алоқаси хизматлари ҳам муҳим ўрин тутади. Республикаимизда почта алоқаси соҳасида миллий оператор ҳисобланган "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти мазкур фаолиятни амалга ошириб келмоқда. Республика ҳудудларида унинг филиаллари, почта алоқаси тармоқлари ва алоқа бўлимлари орқали истеъмолчиларга почта алоқаси хизматлари кўрсатилиб келинмоқда.

Хўш, жойларда кўрсатилаётган почта алоқаси хизматлари сифати қай даражада? Мазкур саволга жавоб топиш учун "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали томонидан кўрсатилаётган почта алоқаси хизматларига тўхталиб ўтсак ва уларга мисоллар орқали баҳо берсак.

Жиззах вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан 2012 йилнинг етти ойи давомида ёма хат-хабарларни қабул қилиш ва уларни олувчиларга етказиб берилишини назорат қилиш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали тармоғига қарашли бўлган почта алоқаси объектлари орқали 61 та оддий ва 61 та бюртомга, жами 122 та хат жўнатилганда 33 та хат адресларга назорат муддатларидан кечиктирилиб етказиб берилганлиги, шунингдек, 8 та оддий хатнинг йўқолишига йўл қўйилганлиги;

Вилоят Давлат алоқа инспекциясининг "Ишонч телефони"га 2012 йил 27 июн кунини Дўстлик тумани, Қаҳрамон ҚФЙ, Дўстлик кўчаси, 5-уй, 2-хонадонда истикомат қилувчи фуқаро Шокир Асилбеков "Дўстлик" почта алоқаси тармоғи ходимлари томонидан электрон пул

ўтказмаси тўланмаётганлиги юзасидан қилган мурожаати ўрганиб чиқилганда, Ш.Асилбеков электрон пул ўтказмаси олиш учун "Дўстлик" почта алоқаси тармоғига 2012 йил 5 ва 6 июн кунлари келиб ўчрашганида, почта алоқаси тармоғи ходимлари томонидан унга пул ўтказмаси тўланмаганлиги маълум бўлди.

Истеъмолчи томонидан "Ишонч телефони"га мурожаат қилингандан сўнг 2012 йил 27 июн кунини пул ўтказмаси тўлаб берилган.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали Галлаорол почта алоқаси тармоғи томонидан тақдим этилган маълумотлар таҳлил қилинганда, 2012 йил 1 август кунига қадар истеъмолчиларга тўланмаган 368 та (47283464 сўм) почта пул ўтказмалари мавжудлиги, шулардан 278 таси (38716118 сўм) узок муддатдан бери тўланмай келинаётган пул ўтказмалари эканлиги маълум бўлди. Масалан, жорий йилнинг январ ойида келган 12 та (1926975 сўм), феврал ойида келган 25 та (4338750 сўм), март ойида келган 39 та (5330805 сўм), апрел ойида келган 56 та (9141335 сўм), май ойида келган 67 та (8298103 сўм) ва июн ойида келган 79 та

(9680150 сўм) пул ўтказмалари 2012 йилнинг 1 августига олувчиларга тўланмаган.

Оқорида қайд қилиб ўтилганлардан кўриниб турибди, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали томонидан истеъмолчиларга сифатли почта алоқаси хизматлари кўрсатилмапти.

Истеъмолчиларга тўлақонли, сифатли почта алоқаси хизматлари кўрсатилмаслиги оқибатида почта алоқаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонуни ва соҳага оид бошқа норматив ҳужжатларнинг талаблари бажарилмаслиги яққол кўзга ташланмоқда.

Кўрсатилаётган почта алоқаси хизматлари сифатини ошириш юзасидан Жиззах филиалига масъул ходимлар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар кўрсатилган ҳолда ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар бериб келинмоқда, лекин филиал раҳбарияти томонидан бу борада етарли даражада ишлар амалга оширилмапти.

Истеъмолчиларга сифатли почта алоқаси хизматлари кўрсатилиши учун филиал ходимларидан ўзларига юклатилган вазифаларни амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилган ҳолда сидқидилдан бажарилишини таъминлаш талаб қилинади. Шундангина филиалнинг истеъмолчилар олдидаги мажбуриятлари бажарилиши таъминланади.

О.ДОБИЛОВ,

Жиззах вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-фармойишига мувофиқ амалга оширилаётган хатлов асосида дебитор қарздорликни қисқартириш ва келгусидаги ўсишига йўл қўймаслик бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва таклифлар киритилиши таъкидланган эди. Шулардан келиб чиқиб, "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан истеъмолчиларнинг ҳисоб рақамларига, коммунал тўловлар ва бошқа хизмат турларига тезкор уланиш, қарздорликка оид ахборотни замонавий технологиялар орқали бир зумда олиш имкониятини яратиб мақсадида янги on-line тизимидаги дастур яратилди.

Янги дастурий комплекс мақсади

Электр энергиясини етказиб беришнинг автоматлаштирилган биллинг тизimini жорий этиш, албатта, ҳам компания учун, ҳам истеъмолчилар учун бир қанча қулайликларни тақдим этади. Дастур тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш; уяли телефон (SMS-маълумотлар кўринишида) ва интернет (шахсий кабинет) воситасида электроэнергия истеъмолчилари ва етказиб берувчи ташкилот ўртасида интерактив мулоқот ўрнатиш; истеъмолчиларга тўловларни амалга оширишлари учун қулайлик яратиш; истеъмолчилар ва электр етказиб берувчи ташкилотлар ўртасида шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш; PAYNET ва бошқа тўлов тизимлари орқали электр қуввати етказувчи корхоналар ва банклар, молия ва солиқ идоралари, жойлардаги ҳукумат идоралари ўртасида ахборот алмашиш кабиларни мақсад қилиб олган.


— Эски дастурида банклар дастури билан туташиб имкони бўлмагани боис тўловларни он-лайн тартибда ўтказиб бўлмас эди, — дейди "Ўзбекэнерго" ДАК масъул ходими Фарход Шамшиев. — Тўловларни маълумотлар базасига тарқатиш жараёни қўлда бажарилар, тўловларни қабул қилиш шохобчаларидаги тўланганлик хабарномалари электр таъминоти корхоналарига жўнатилади. Бунда тўлов чипталарининг электр таъминоти корхоналарига 15 ва ундан ортиқ кун кечикиб келиши, нотўғри тўлдирилган тўлов чипталарининг кўплиги эса ишни янада чўзиб юбориши (шахсий рақами йўқ ва манзили аниқ бўлмаган тўлов чипталари эски дастурда туширилмай қолдирилди) каби муаммоларга дуч келинарди. Тўлов чипталари электр таъминот корхоналарига келтирилиб, маълумотлар базасига киритилгунча истеъмолчиларни электр тармовидан узиб қўйишга ҳам улгуришарди. Буларнинг бари электр таъминот корхоналарида узун навбатлар пайдо бўлишига ва табиийки, истеъмолчиларнинг норозилигига сабаб бўлар эди.

Айни дамда биз янги дастур орқали келаётган тўлов ҳужжатларининг умумий миқдоридан тахминан 50 фоизини идентификация қила оламиз. Бу эса йилига 1 миллионга яқин тўлов чипта дегандир. "Электр ҳисоб" дастурида бир қанча қулайликлар яратилди — тўловни тасдиқловчи маълумотлар ўз вақтида электрон тўлов кўринишида дастурга келиб тушади.

Навбатда туришга ҳожат йўқ

PAYNETга бориб, ўзингиз яшайдиган тумани, ҳисоб рақамингизни ҳамда уяли телефонингиз рақамини айтсангиз бўлди, маълумотлар шу захоти "Электр ҳисоб" дастурига тушади ва телефонингизга ("O'zbekenergo" дастурига телефонингиз бириктирилади)

"O'zbekenergo" 262740135268 iste'molchi hisobiga 1000 so'm to'lov qabul qilindi" деган SMS келади. PAYNET орқали уяли телефонингиз рақамини алмаштиришингиз ёки бириктиришингиз мумкин.



Интерактив мулоқот

"Ўзбекэнерго" ДАК электр энергияси етказиб беришнинг автоматлаштирилган биллинг тизimini ишга туширди



Янги дастур истеъмолчига тўловларни банклар ёки PAYNET орқали on-line тартибда амалга ошириш имкониятини яратди. Бунинг натижасида истеъмолчининг ҳисоб рақами, исм-шарифи, яшаш манзили, охириги тўлови, тўлов вақтидаги қарздорлик ҳақидаги маълумотлар орқали истеъмолчининг ҳисоб рақамига тўловларнинг хатосиз тўғри келиб тушиши таъминланади.

Демак, истеъмолчи бир марта электр таъминот корхонасига келиб, уяли телефонини "Электр ҳисоб" дастурига киритиши билан "O'zbekenergo" дастурига телефонингиз бириктирилди, деган SMS келади, қабул қилинган SMSга жавобан "D" харфи жўнатилади. Шу тарзда истеъмолчи қарзи бор ёки йўқлигини билиб олади. Худди шундай SMS-хабарлар орқали энергия етказишдан

узилиш ҳақида огоҳлантириш, истеъмол қилинган электр энергияси учун ўлчов асбобидан ечилган маълумот дастурга киритилганлиги ва бошқа маълумотлар олиш мумкин.

Истеъмолчи тўлов тарихида мавжуд (масалан, акт, пеня, муддати ўтган) қарздорлигини ёпгандан кейин шу ойнинг истеъмол қилинган электр энергияси учун ҳисоб-китобини, яъни "Электр ҳисоб" дастурига қабул қилади. Барча SMS хизматлари истеъмолчи учун бепул.

Шахсий кабинет

"Электр ҳисоб" дастури on-line технологиялари воситасида истеъмолчига шахсий кабинет ва SMS-хабар орқали ҳисоб рақамига тааллуқли барча маълумотларни бериш имкониятига эга.

Уяли телефонингиздан "P" харфини жўнатсангиз шахсий кабинетга кириш учун логин ва парол оласиз. Шахсий кабинетга uzbekenergo.uz (истеъмолчиларга хизмат бўлими) сайти орқали уланишингиз мумкин.

Маиший истеъмолчилар шахсий кабинети орқали тушган тўловлар, киритилган ҳисоблагич кўрсаткичлари, ҳисоб-китоб тарихи, ҳисоблар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Истеъмолчи шахсий кабинети ёрдамида электр ҳисоблагични ечиш, ўрнатиш ёки алмаштириш, уланиш схемасини текшириш учун монтер ёки назоратчинини чақириш имкониятига эга.

Юридик истеъмолчилар ўзларининг шахсий кабинетлари орқали қуйидаги хизматлардан фойдалана оладилар:

- фойдаланган электр энергияси тўғрисида ҳисобот жўнатиш;
- лозим бўлганда шартномавий истеъмол миқдорини ўзгартириш;
- 1031-тартиб асосида ўзининг ишчи ходимлари истеъмол қилган электр энергияси учун пул ўтказмаларига оид маълумотни жўнатиш.

Бундан ташқари, дастур марказлаштирилган ахборотларни сақлаш ва қайта ишлаш, ДСИ, Молия вазирлиги газначилиги каби ташқи тузилмалар ва тўлов тизимлари билан ҳамкорликда ишлаш,

судларга қарздорликни ундириш тўғрисида даъво киритиш каби имкониятларни беради.

Электрон рақамли имзо

Ходимлар устидан назорат қилиш мақсадида дастурда электрон рақамли имзо тартиби жорий этилган. Бу дастурга киритилаётган маълумотларнинг қонунийлигини назорат қилишга имкон яратади.

Ушбу дастур эксплуатацияси март ойидан Тошкент шаҳрида бошланди. Бугунги кунда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Сирдарё вилоятлари ХЭТ тўлиқ янги дастурга ўтказилди. Қолган вилоятларда ҳам янги дастурга ўтиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмақда.

"Электр ҳисоб" дастури замонавий бошқарув тизимлари ва дастурлаш услублари ёрдамида ишлаб чиқилган бўлиб, келгусида функционал имкониятларни янада оширишга имкон беради

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
"Xabar" мухбири

Награды от WWW.UZ

победителям Интернет-фестиваля-2012
— 1 Гб хостинга на 1 год

По традиции 5 августа в Узбекистане стартовал Интернет-фестиваль национального домена UZ 2012. Организаторами фестиваля выступают: Фонд "Форум культуры и искусства Узбекистана", Центр молодежных инициатив "Келажак овози" и Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM. Журнал InfoCOM.UZ выступает в роли координатора фестиваля.

В этом году в конкурсную программу включены специальные награды от национальной поисковой системы WWW.UZ для участников каждой из 11 тематических номинаций.

Основное условие — сайты должны быть зарегистрированы в Каталоге WWW.UZ и иметь счётчик Топ-рейтинга. Победителями станут 11 сайтов, набравшие за определенный период наибольшее количество хостов среди участников каждой номинации Интернет-фестиваля. Период анализа и оценки участников — с 6 по



Интернет-фестиваль
национального домена .UZ
2012

16 сентября.

Сайт-победитель по каждой из 11 номинаций в качестве приза получит памятный подарок и бесплатный хостинг сроком на 1 год объемом 1 Гб.

На сайте WWW.UZ скоро будет создан отдельный раздел, где будет показываться список сайтов-участников с накопленной ими статистикой Топ-рейтинга. Также, администрация WWW.UZ установит сайтам-участникам специальные счётчики, посвященные Интернет-фестивалю 2012.

Стоит отметить, что сайты, замеченные в применении нечестных методов накрутки, будут дисквалифицированы. В том случае, если владелец сайта невинно в накрутках, администрация WWW.UZ может взять для расчёта статистики посещения сайта другой временной промежуток.

Единый оператор связи "Билайн" (ООО Unitel и СП Buzton) отмечает 6 лет со дня запуска бренда в Узбекистане. С момента приобретения ООО Unitel группой компаний "ВымпелКом" активная абонентская база выросла в 18 раз, составив по итогам первого полугодия более 7 000 000 абонентов.

Комментируя событие, Генеральный директор ООО Unitel Андрей Сафронюк отметил: "Масштабные инвестиции последних лет были правильным реше-



6 лет Beeline в Узбекистане

За эти годы выбор в пользу "Билайн" сделали не только миллионы абонентов, но и тысячи крупнейших предприятий страны, в числе которых Навоийский горно-металлургический комбинат, ЛУКОЙЛ и

6 лет на яркой стороне

нием: только в 2011-2012 году мы вложили в развитие сети почти 300 миллионов долларов. Покрытие 3G расширено в десятки раз, а в нынешнем году заложена основа сети LTE. Все это, а также профессионализм и командный дух сотрудников "Билайн" позволяют нам сегодня бороться за качество услуг в условиях беспрецедентных нагрузок".

"Билайн" занимает лидирующие позиции на отечественном рынке интернет-услуг, предоставляемых по широчайшему спектру технологий от WAP, Dial-up, ADSL и GPRS до EDGE (2,5G), UMTS (3G), HSDPA (3,5G) и LTE (4G). Кроме того, ведется активное строительство оптико-волоконных сетей FTTB, позволяющих осуществлять передачу данных на скорости до 100 Мбит/с.

Национальный банк внешнеэкономической деятельности Узбекистана. Целью ряд конвергентных интегрированных решений, предоставляемых корпоративным клиентам специалистами Beeline Business, не имеет аналогов на рынке республики.

Особое место в стратегии развития бренда в Узбекистане занимает благотворительность. Помимо спорта, образования и культуры, которые традиционно входят в сферу социальной ответственности "Билайн", компания поддерживает ветеранов, инвалидов и воспитанников Домов Милосердия, активно сотрудничая с рядом благотворительных фондов. Всего в 2011-2012 гг. на благотворительные цели было направлено около 2 миллиардов сум.

В мире

Samsung намерен увеличить продажи Galaxy S III до 30 млн. к концу года

Компания Samsung планирует увеличить продажи Galaxy S третьего поколения до 30 000 000 устройств к концу 2012 года. Такое заявление сделал руководитель мобильного подразделения компании Д. Шин.



В сентябре представители Samsung сообщили о реализации 20 миллионов Galaxy спустя три месяца после выхода 3 серии на рынок. Поэтому, планируемый объем вполне реален.

Продажам S III может поспособствовать и выход нового ПО для смартфона в середине осени. Однако точная дата выхода неизвестна. Серьезную конкуренцию смартфонам от Samsung составит презентованный позавчера iPhone 5S.

На данный момент Samsung является лидером в сфере смартфонов, производитель занял более 32% мирового рынка.

В России введут единую электронную почтовую систему

Правительство Российской Федерации планирует создать единую электронную почтовую систему, которая будет включать платные официальные почтовые ящики.

Проект подразумевает организацию единой базы электронных

ящиков, при помощи которых можно официально пересылать корреспонденцию, а также осуществлять денежные переводы в банки, частные лица смогут обмениваться письмами. Помимо этого, "официальная" почта позволит рассылать и пересылать юри-

дические документы.

Предполагается, что разрабатывать такую систему и вести реестр будет "Почта России". Она дает гарантию того, что только вам будет доступен персональный адрес почты и пароль от нее после предъявления паспорта.

Яндекс в октябре выпустит собственный интернет-браузер

Крупнейшая российская поисковая система "Яндекс" решила разработать свой уникальный интернет-браузер, чтобы вернуть потерянную под давлением Google долю рынка. Информацию предоставил источник в компании. По информации информатора интернет-компания, браузер могут выпустить уже к концу октября.



Новый браузер от Яндекса

Yandex

быстрый, удобный, безопасный!

Разработка браузера ведется, как для ПК, так и для мобильных аппаратов. Станет ли эта полностью "Яндекс" разработкой, или сборкой на базе имеющегося ПО, пока неизвестно.

Падение акций Facebook разочаровало Марку Цукерберга




Первичное размещение акций на бирже прошло в мае нынешнего года и вызвало большой резонанс. С того времени цена каждой акции упала на 50%. Во время выступления с Сан-Франциско, гендиректор и основатель Facebook М. Цукерберг заявил, что инвесторы компании не могут себе даже представить, какой огромный потенциал в ней есть.

В мире каждый 7-ой человек пользуется социальной сетью молодого миллиардера. Не смотря на то, что более 1 миллиарда человек используют социальную сеть, инвесторы с опаской вкладывают деньги в ее развитие и слабо верят в большую прибыль.

В Китае программист умер на рабочем месте

В китайском сегменте интернета поднялась волна возмущения из-за смерти работника пекинской компании по производству программного обеспечения "Kingsoft". Интернет-пользователи обвиняют руководство компании в том, что причиной смерти стала сверхурочная работа.

Первая критика в адрес компании от китайских блогеров появилась после 28 августа. Тогда на Вейбо (китайский аналог Твиттера) компания разместила фото человека, спящего на рабочем месте с подписью "Этот человек работает сверхурочно и уже



неделю не был в постели. Если он устал, то спит на рабочем столе. Эта картинка показывает, какой волей нужно обладать, чтобы быть отличным программистом". Однако, после множество отрицательных комментариев, фото было удалено.

Примерно через неделю в офисе компании произошло ЧП. Ночью скончался 25-летний сотрудник "Kingsoft". Довольно быстро информация об этом просочилась в интернет. На "Kingsoft" обрушился поток гневных обвинений от интернет-пользовате-


лей. Вчера представитель компании дал официальный ответ по поводу смерти сотрудника.

На микроблоге компании было размещено заявление. "После того, как закончился рабочий день, наш сотрудник добровольно остался в офисе. Его смерть ни в коем случае не связана со сверхурочной работой. Он умер во время отдыха" — говорится в заявлении.

Тем не менее, китайские блогеры относятся к данному заявлению с подозрением. И продолжают негативно отзываться о "Kingsoft".

Хабарлар +tv

ДУШАНБА — 17 СЕНТЯБР



5.55 Кўрсатув дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
7.00 "Онам ва одам" дастури: "Замин тарбияботлари".
7.15 "Икким".
7.30 "Кўнгли қўнгли истайди".
7.30 "7-й кўрсатувлар". Т/с.
8.00 "Тасаввоним".
8.40 - 9.25 "Малайзия" дастури.
9.25 "Муор қўлар".
10.10 ТелеТур: "Етти қайра".
10.45 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Азборот".
11.10 "Ватанпарвар".
11.55 "Икким".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
12.30 "Кўнгли қўнгли истайди".
13.00 "Кур эртани". Т/с.
13.30 "Икким".
13.35 "Рингит дунё".
14.00 "Азборот".
14.15 Миллий кинес: "Танка".
15.30 "Икким".
15.35 "Онам ва одам" дастури: "Васг нашоиди".
16.25 "Эн тилгани йўқди".
16.40 "Ўзбекистон тиббати".
17.00 "Азборот".
17.10 "Эксан ва саба Ватан".
17.25 ТВ - шифорат.
17.30 "Эртаник - яқинлиққа етказар".
18.30 "Маркел қоним". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эфирлар.
19.30 "Азборот" /рус/.
20.05 "Оттин мерос".
20.30 Миллий сериал: "Қаттис ҳаёт".
21.00 "Азборот".
21.40 "Энтроф".
22.00 "Ифтиборан аба". Т/с.
22.40 "Икким".
22.41 "Композит Русс". Т/с.
23.00 "Онам ва одам" дастури: "Замин тарбияботлари".
23.45 - 23.55 "Оғуз".
23.55 Кўрсатув дастури.
00.00 "Муор қўлар".
00.15 ТелеТур: "Етти қайра".
00.30 "Кўнгли қўнгли истайди".
1.00 "Азборот" /рус/.
1.30 - 2.15 "Малайзия" дастури.
2.35 "Икким".
2.40 "Ватан манзиллари".
2.55 "Оттин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 "Азборот".
4.40 Миллий сериал: "Қаттис ҳаёт".
5.15 "Саломатлик сирлари".
5.30 "Ўзбекистон тиббати".
5.50 - 5.55 "Оғуз".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Талақ".
6.50 "Ўқиб қадиёти".
7.00 "Ўуз-ўзқайи".
7.20 "Муштинанорима".
8.00 Миллий сериал: "Ҳаёт сабоқлари".
9.00 "Ёшлик наволари".
9.30 "Муҳаббатини".
9.50 "1+1X".
10.00 "Қамолот-инфо".
10.10 "Дуно". Т/с.
11.00 "Эр замин".
11.30 "Довзарб мактау".
12.00 "О, спорт".
12.10 "Довзарб". Т/с.
13.00 "Дар".
13.10 "Шавакати Алвено ҳақида қисса". Б/ф.
14.40 "Ёшлик наволари".
15.00 Миллий сериал: "Оғузлар фасли".
15.40 "Иллий изланишлар".
16.00 "Дар".
16.10 "Муштинанорима".
16.30 "До-ми-сола".
17.00 "Дар милоқ".
17.20 Миллий кино: "Қўрғилик".
18.30 "Ёшлик наволари".
18.50 "1+1X".
19.00 "Дар".
19.30 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
20.20 "Устозга мактаб".
20.30 "Устоз навар".
21.00 "Эртаник болжоллар".
21.10 "Довзарб". Т/с.
22.10 "Дар".
Дастур доирасида тизим корхоналаридаги мавжуд "Матбуот" дўконларининг 404таси жорий ва 106таси капитал таъмирдан чиқарилди. Маркетинг тадқиқотларига асосан аҳоли гавжум жойларда янги дизайндаги 46та "Матбуот" дўкони ишга туширилди ҳамда пойтахтимизнинг марказий қўчаларига жойлаштириш режалаштирилган 80та янги кўринишдаги дўконлардан 25таси мустақиллик байрами совғаси сифатида аҳолига тортиқ қилинди.

Бундан ташқари, жорий йил охиригача қўшимча 39та ана шундай "Матбу-

от" дўконларини вилоят ва туман марказларига ўрнатиш режалаштирилган.

Вақтли матбуот нашрларини тарқатишда компания 14та вилоят почта алоқаси филиаллари, "Халқаро почта" филиали, барча туман почта бовламалари ва алоқа бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Айни пайтда республикамизда ҳар кун етти мингга яқин почтачи ва бир минг икки юздан ортиқ "Матбуот" дўконлари аҳоли хизматига.

Узоқ қишлоқ жойларида яшайдиган аҳолига газета ва журналларни етказиб бериш учун компания жойлардаги почта алоқаси бўлимлари билан ҳамкорлик қилмоқда. "Матбуот" дўконлари йўқ жойларда матбуот нашрларини тарқатиш ишлари туманлар почта алоқаси бўлимлари зиммасига юклатилган.

2013 йил учун аҳоли гавжум ва ташкилотлар кўп жойлашган жойларда "Матбуот" дўконлари орқали обуна ташкил қилинади. Бундай "Матбуот" дўконлари сотувчилари обунани расмийлаштиришлари учун обуна бланкалари ва обуна каталоги билан таъминландилар.

Шунингдек, компаниянинг www.akmt.uz веб-сайтидан фойдаланган ҳолда даврий нашрларга интернет орқали

обуна қабул қилиш йўлга қўйилган ва бу хизмат турини янада ривожлантириш режалаштирилмоқда. Барча тахририятлар компаниянинг ушбу веб-сайти орқали доимий равишда 2013 йил обунасининг бориши бўйича он-лайн тартибда маълумотларни олишлари мумкин. Нашрларга обунанинг бориши бўйича натижалар ҳар 10 кунда сайтга жойлаштириб борилади.

Бугунги кунда барча тўлов турлари бўйича пластик карточалардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилганини инobatта олиб, компания шохбчаларидаги терминаллар сони 150га қўпайтирилди.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида тарқатиладиган газета, журнал ва китобларнинг обуна нархлари шакллантирилган журнал кўринишдаги каталог чоп этилиб, унинг электрон нусхаси компания веб-сайтига жойлаштирилди. Республикада даврий нашрларга обуна қабул қилувчи "Матбуот" дўконлари сони 840га етказилган.

Анжуманда обуна ишлари билан боғлиқ бошқа масалалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири

Мавсум бошланди: Ҳамкорликдаги ҳаракат зарур

Даврий нашрларни тарқатиш бозорига бошқа турдош корхоналар қаторида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ҳам фаолият кўрсатмоқда. Корхона даврий нашрларнинг тарқатилишини обуна расмийлаштириш йўли билан ҳамда чакана савдо орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида айни шу масала муҳокама қилинди. Анжуманда жамият масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори биринчи ўринбосари Х.Тожибоева журналистларга жамият фаолияти, обуна мавсумига тайёргарлик ишлари, бу борада йўлга қўйилган янгиликлар ҳақида маълумот берди.

— Жорий йилнинг 6 сентябридан маҳаллий ва хорижий нашрларга 2013 йил учун обуна расмийлаштириш мавсуми бошланди, — деди Х.Тожибоева. — Газета ва журналларнинг 2013 йилги обуна каталогидаги нархлар филиалнинг сарф-харажатларидан келиб чиққан ҳолда имкон қадар арзонлаштирилиб белгиланди. Ижти-



мой-сиёсий ва болаларга мўлжалланган нашрларга белгиланган имтиёзлар бу йил ҳам сақлаб қолинди. Обуна каталогидаги нархлар абонент кутисига, алоқа бўлимига ёки манзилга етказиш бўйича кўрсатилган. Манзилгача расмийлаштирилган даврий нашрлар почтачилик томонидан мамлакатимиз бўйлаб обуначиларнинг ўз қўлларига етказиб берилади.

Бугунги кунда почта жўнатмалари ва даврий нашрларни ўз вақтида жойларга, хусусан, обуначиларга етказиб бериш жамиятнинг 174та туман ва шаҳар почта тармоқлари, 2986та почта

алоқаси бўлимларидан иборат ҳудудий филиаллар ҳамда ихтисослаштирилган "Халқаро почта" филиали томонидан автомобил, темир йўл ва ҳаво транспортларидан фойдаланилган ҳолда таъминланмоқда. Почта жўнатмалари ва даврий нашрларни етказиб беришда 6427та участка ташкил этилган бўлиб, уларда олти мингдан ортиқ почтачилар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшовчи аҳолига почта хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Сўнгги йилларда даврий нашрларни обуна ва чакана савдо орқали тар-

қатиш адаллари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 2012 йилнинг обуна орқали тарқатилган нашрлар адади 2010 йилга нисбатан 113 фоизни, чакана савдо бўйича 126 фоизни ташкил қилди. Албатта, даврий нашрларни обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш моддий-техник базанинг мустаҳкамлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Жамият бу борада ҳам салмоқли ишларни амалга оширди. Хусусан, жамият автопарки 248та ("Халқаро почта" филиалига тўртта) "Исузи" автомашиналари билан бойитилди. Шунингдек, газета-журналларни обуначиларга етказиб беришни тезлаштириш учун почтачиларга 2650 дона велосипед берилди.

Бундан ташқари, обуначиларга қўлайлик яратиш мақсадида жамият веб-сайтида филиаллар бўйича обуна каталогининг электрон нусхаси жойлаштирилди. Унда обуначилар ўзларига керакли бўлган нашрларнинг нархлари билан танишишлари мумкин.

Анжуманда почта корхонаси масъул ходимлари журналистлар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб бердилар. Даврий нашрларни ўз вақтида етказиб бериш, бу борадаги харажатларни камайтириш, соҳада учраб турган айрим муаммоларни бартараф этиш хусусидаги таклифлар жамият томонидан кўриб чиқирилиши алоҳида таъкидланди.

У.ТОЖИБОЕВ

Қадри муштарийлар!!! "Xabar"га 2013 йил учун обуна бошланди.

Келгуси йил учун "Xabar"га иккита индексда: 228-нашр кўрсаткичида одатдагидек, 3228-нашр кўрсаткичида эса тўлиқ бир йилга имтиёзли нархда обуна бўлиб, йил давомида "Xabar"ни ўқиб боришингиз мумкин.




Донишмандлар инсон умрининг мазмунли ўтишида ҳалоллик, шижоат, меҳр-мурувват, шунингдек, эл-юртга, касб-корига садоқат катта ўрин тутишини нақл этганлар. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, касб-корини шижоат билан давом эттирган ҳолда ҳалоллик, меҳр-мурувват сингари фазилатлар билан зийнатлаган инсонлар турмушида фаровонлик, бинобарин, ҳаётдан мамнунлик бўлади. Бунга қаҳрамонимиз, пойтахтимиздаги "CHADLS PROICE" масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари Абдусамад АБДУҒАНИЕВнинг ҳаёти ва фаолияти яққол мисол бўлади.

Ишидан барака топганлар

Абдусамад ака истарали, юз-кўзи кулиб турадиган инсон. Не бахтки, унинг ички дунёси ҳам ташқи кифо-фасига монанд — кўнглида кири йўқ. Дилида эса бир олам эзгу орзу-умидлар, истиқболли режалар мужжасам. Эътиборли жиҳати шундаки, бу орзулар, режалар шунчаки хомхаёл эмас, балки вақти-соати билан ҳаётда ўз ижобатини топаётган амалий ишлардир. Қандай қилиб дейсизми? Келинг, бир бошидан ҳикоя қиламиз.

1973 йил баҳорининг илк кунинда пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек маҳалласида истиқомат қилувчи Тўхта-син ака ва Насиба опалар оиласида саккизинчи фарзанд дунёга келди. Мурғак вужуднинг келгусида етук инсон бўлишини тилаган ҳолда ота-онаси унга Абдусамад дея исм қўйишди. Йиллар ўтди, Абдусамад эсини таниб, оқ-қоранинг фарқига ета бошлади. Бу жараёнда ота-онасининг зиёли, маърифатпарвар экани, айниқса, муҳим аҳамият касб эта бошлади. Уларнинг ҳаёти, сўзлаб берган ибратли ҳикоялари, ривоятлари оилада униб-ўсаётган ака-опалар қаторида Абдусамаднинг ҳаётида ҳам катта ўрин тутди.

— Эсимда, кичкиналимда ота-онам кечки пайтлар ҳаммамизга ривоятлар, ҳикматлар айтиб берарди, — дейди суҳбатдошимиз. — Бу ривоятларда, ҳикматларда ҳалоллик, эзгулик улугланиб, ёвузлик, эгрилик қаттиқ қораланади. Шунингдек, ҳалол меҳнати билан яшаган, интиланган инсон ҳаётда ўз ўрнини топиши мадҳ этиларди. Масалан, отамнинг айтган, ҳозиргача ёдимда сақланиб қолган мана бу ривоятига эътибор қилайлик. Бир донишманддан сўрабдилар: — Дунёда инсон учун энг яхши нарса нима? Донишманд жавоб берибди: — Дунёда инсон учун энг яхши нарса гўзал ахлоқ, тарбия, меҳнатсеварлик бўлиб, шу гўзал хислатлар билан ном чиқариш. Ахлоқсизлик, тарбиясизлик, ялқовлик билан ном чиқариш ўлимдан ҳам баттар ёмон нарсасидир. Кўрганингиздек, бу ривоятда инсонни улугловчи хислатлар ўз аксини топган. Мени қувонтиргани, биз ана шундай муҳитда ўсиб-улғайдик, вояга етдик. Отам қирқ йиллик самарали фаолияти билан мамлакатимиз энергетика соҳасига баҳоли



қудрат хисса қўшди. Ҳозир нафақадлар. Онам биз фарзандларининг камоли учун жонини фидо қилган мунис, меҳрибон аёл. Уй бекаси бўлиш билан бирга отамнинг таянчи ва суянчи бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топишимизга катта, аммо беминнат хизмат қилдилар.

Суҳбатдошимиз эътироф этганидек, оиладаги муҳит ҳар бир фарзанднинг касбий фаолиятини, бинобарин, келажagini белгилашда катта ўрин тутди. 1990 йилда мактабни тамомлаган Абдусамад ҳам олий маълумотли, энг асосийси, зиёли инсон сифатида жамиятда, ҳаётда ўз ўрнини топиш, шу орқали оиласига, юртига солих фарзанд бўлиш мақсадида Тошкент давлат техника университетининг радио ва электрон воситаларини бошқариш факультетига ҳужжат топширди. Интиланганга толе ёр деганларидек, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талабалар сафидан жой олди. Изланувчанлиги, интилувчанлиги билан устозларининг ҳам эътиборини қозонди ва тахсилни тугатгач, уларнинг тавсияси билан университетда мутахассис бўлиб иш бошлади.

— Ишимдан, касбимдан кўнглим тўқ эди, — дейди Абдусамад ака. — Аммо тиниб-тинчимаслик, изланувчанлик табиатимга хос бўлгани учун кузатишларимга асосланган ҳамда юрти-

тирилган энг сўнги русумдаги, замонавий ишлаб чиқариш технологиялари мавжуд ва уларни ёш мутахассислар бошқармоқда.

Ҳалол меҳнати билан турмушини, шу орқали юртини фаровон қилиш Абдусамад аканинг энг эзгу мақсадларидан бирига айланган. Шу боис, у ишбилармон-тадбиркор бўлиб, янги иш ўринлари яратиб, сифатли маҳсулотлар билан юртимиз доврўғини дунёга танитишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

— Бугун юртимизда ишлайман, тадбиркорлик қилиб оиламни, маҳалламни, юртимни обод қиламан деган ҳар бир юртдошимизга катта имкониятлар яратилган, — дейди суҳбатдошимиз. — Бунга фаолиятимиз давомида қайта-қайта ишонч ҳосил қиляпмиз. Хусусан, ана шу имкониятлар туфайли ишлаб чиқаришни тобора ривожлантириб, янги иш ўринларини яратяпмиз. Шу ўринда биз тадбиркорларни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган, кези келганда қимматли маслаҳатларини аямаётган Сергели туман ҳокими Отабек Содиқовга ҳам миннатдорлигимизни билдирмоқчимиз.

Дарҳақиқат, Абдусамаднинг гапларида жон бор. Зеро, у раҳбарлик қилаётган Сергели туманидаги "Ёрқин ҳаёт" маҳалласида жойлашган ушбу корхона фаолияти билан яқиндан танишганимизда, бу ерда қўллаб ёшларнинг иш билан таъминланганига гувоҳ бўлдик. Эътиборли жиҳати шундаки, уларнинг аксарияти шу маҳалланинг ўғил-қизлари бўлиб, уларнинг кўнглидагидек фаолият юритишлари учун барча шароит яратилган. Замонавий технологиялар асосида мазали қилиб тайёрланган ва бежирим шаклларда қадоқланган конфетлар мамлакатимиз бозорлари, савдо расталарига шартнома асосида пешма-пешма етказиб берилмоқда.

— Келажакдаги режаларимиз бундан ҳам катта, — дейди Абдусамад ака суҳбатимиз сўнгида. — Юқорида айтганимдек, бунинг учун юртимизда барча шароит ва имкониятлар етарли. Айни пайтда маҳсулотларимиз билан ярмаркаларда, байрамларда иштирок этиб, кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўляпмиз. Бу эса бизни янада руҳлантириб, келгусида маҳсулотларимизни кенг қўламада экспорт қилишни ҳам режалаштиришга замин яратяпти. Меҳнатни севишнинг, ғайратли бўлишнинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгили роҳати, фаровонлигининг ортиши.

Меҳнатни севишнинг, ғайратли бўлишнинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгили роҳати, фаровонлигининг ортиши.

мизда тадбиркорларга яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қарор қилдим. Бунинг учун, энг аввало, ота-онамнинг розилигини олдим ва улар билан маслаҳатлашдим. Шундан сўнг муҳтарам Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратаётган катта эътиборидан руҳланиб иш бошладик. Бу жараёнда отам энг яқин кўмакчим бўлиб, у киши билан бамаслаҳат босқичма-босқич равишда конфет маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Айни пайтда корхонамизда лизинг асосида Хитойдан кел-

Кўнглида бир олам эзгу ниятлари ва режалари бўлган Абдусамад Абдуғаниев билан суҳбатимиз анча давом этди. Суҳбатимиз давомида шунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдикки, тадбиркор инсон нафақат ўзига, балки жамиятга ҳам катта фойда келтиради. Истардикки, ана шундай инсонлар кўп бўлсин!

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист

Ҳикоят

КИМ ВАҚТИНИ ЗОЕ ҚИЛСА, БАС, БУ ВАҚТ УНИНГ ДУШМАНИДИР.

Баҳоуддин НАҚШБАНДИЙ

Мустақиллик улугъ неъмат! У бизга қадди тикликни, бағри бутликни ато этди. У бизга ҳақ билан ноҳақни танитди, ўз ҳақимизни, ҳуқуқимизни, бу дунёда насибамизни ажратиб яшашни ўргатди. У бизга тупроғим, ота юртим — ўлмас меросим деб баралла айта оладиган фахр берди. Бу улугъ неъматнинг неъматларини санаб саногога етиб бўлмас. Мақсадимиз ҳам бу эмас. Ҳикоямиз мустақилликнинг шарофати туфайли орзу-умидлари фарзандлари, набиралари камолида ушалган, озод юртнинг кекса фахрийси ҳақида. Ана шундай инсонлардан бири Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, бир қанча орден ва медаллар соҳиби Нормухаммад МЕНГЛИЕВДир.

Фароғат қасри

Нормухаммад Менглиев собиқ тузум даврида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Ўша пайтлардаги буйруқбозлик, кўзбўямачилиги-ю юқоридан бериладиган топшириқларга сўзсиз итоат қилиш сингари ҳеч қасрда ёзилмаган, аммо амал қилиниши шарт бўлган бошқарувни ўз бошидан кечирди.

Эзиш, ҳақоратлаш, инсон кадр-қимматининг ерга урилиши — буларнинг ҳаммаси яқин ўтмишда содир бўлди. Хайрият, омон-омон кунлар келди. Мустақиллик даври етди.

Мамлакатимизнинг ҳар жабҳасида бунёдкорлик ишлари қизғин олиб бориляпти, зеро, бутун мустақил Ўзбекистон фуқаросиман деган ҳар бир кишининг қалбида қувончу эҳтиросга тўла туйғулар жўш уради. Чунки ўтган қисқа вақт ичида кўплаб ютуқларга эришдик. Ютуқларимиз олдида эсанқирамай, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни қарор топтириш, кишиларимиз онгида қатта ўзгаришлар ясаб, янгича тафаккурни шакллантириш, айниқса, ёш авлодни ажодлар мероси, миллий кадриятлар ва замон руҳига мос тарбиялаб вояга етказиш олдимиздаги аниқ вазифалар эканлигини унутмаслигимиз лозимлигини Нормухаммад ота яхши билади.

Нормухаммад Менглиев 1927 йилда таваллуд топган. 1941-1976 йилларда халқ таълими соҳасида самарали меҳнат қилди. Нормухаммад отанинг меҳнат фаолияти суронли йиллардан бошланди. Мактабда ўқитиш учун дарсликлар етишмайди, шароитларни айтмаса ҳам бўлади. Нормухаммад Менглиев

Бир умр орзу қилган истакларимни фарзандларим, набираларим кўряпти. Наҳот бу қурилмаларни ёшлар бошқарса! Ақл бовар қилмайди. Мустақилликнинг қадрига етиб, уни авайлаб асранг!

умрини илм ва зиё беришга, таълим соҳасини ривожлантиришга бағишлади. Салкам қирқ йиллик фаолияти давомида таълим муассасаларида турли лавозимларда меҳнат қилди. Нурунийнинг шоғирдлари бутун халқ хўжалигининг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилиб, туман иқтисодиёти, ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кўтаришга ҳисса қўшганлардан.

Нормухаммад Менглиев 9 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Уларнинг маълумотли бўлишига алоҳида эътибор қаратди. Турли лавозимларда меҳнат қилаётган фарзандлари учун отанинг ҳар бир сўзи, панду насиҳати қадрли. 102 нафар набира, 94 нафар чевара, 2 нафар эвара кўрган нуруний доимо дуога қўл очиб, бу кун-

ларга шукроналар айтади.

Дехқонобод тумани Дуоб қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қизилмозор қишлоғида умргузаронлик қилаётган отахон бу ерда қад ростлаб, фаолият кўрсатаётган замонавий мактаб ва коллежларга тез-тез ташриф буюриб туради.

Айниқса, қишлоқдаги ахборот технологиялари коллежи нуруний отахон учун қадрли маскан бўлиб қолган. Негаки, бу ерда Нормухаммад отанинг ўғли Бахтиёр Менглиев касбий таълим ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлади. Бундан ташқари, коллежнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланганлиги кекса педагогнинг хайратини оширади. "Ўша даврларда ҳам бундай имкониятлар бўлсаиди. Қоронғу ва совуқ хоналарда ўқигдик. Бир умр орзу қилган истакларимни фарзандларим, набираларим кўряпти. Наҳот бу қурилмаларни ёшлар бошқарса! Ақл бовар қилмайди. Мустақилликнинг қадрига етиб, уни авайлаб асранг, давлатимиз бундан ривож топсин", — дея дуога қўл очди нуруний.

Ҳа, кексаларимизнинг қалби ана шундай фахрга тўла.

Қишлоқда Мустаҳкам оила йили муносабати билан ташкил этиладиган турли тадбирлар Нормухаммад Менглиевнинг ташриф билан янада файзли ўтади. Оилада аҳиллик, иноқликни асосий меъзон билган отахоннинг бай тажрибаси кўпчиликка ибрат мактабини ўтамоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Бари меники

Мустақил Ўзбекистон менинг Ватаним,
Шу замин тупроғидан яралган таним,
Қашқадарё тўлкини сипқорган қоним,
Шу боисдан Ватанга пайваста жоним.
Ватан меники.

Экинзорларидан то кўриғигача,
Қумлоғу бўш ётган бўз тўриғигача.
Оқ буюдйидан тортиб таринғигача,
Шовуллаган сойлару ариғигача —
Бари меники.

Олатўндан Косону Тошкентга қадар,
Кенгликларда ястанган таъзимкор тоғлар,
Тўрт томонда шовуллаб турувчи боғлар,
Боғларга сайқалу зеб бергувчи баҳор —
Бари меники.

Қашқа чўлқувари-ю қўйчивон Сурхон,
Бухоро газчиси, ипакчи Наманган.
Бовурдош Қорақалпоқ, Хоразм хандон,
Кўрик Жиззах, Сир, пахта пири Андижон —
Бари меники.

Самарқанд сайқали чин рўйзаминаст,
Навий рухидирким жонларга пайваста.
Гузалик қошонаси сулув Фаргона,
Тошкентимдан таралган мумтоз тарона —
Бари меники.

Мустақилмиз, эркинмиз, келди истиқлол,
Бу холатдан баъзилар бўлиб қолди лол.
Борамиз дадил олға ўз йўлимизда,
Эркимиз, бойлигимиз ўз қўлимизда.
Бари меники.

Юртбошимиз мисоли чинор азим,
Тинчлик учун қурмоқда ҳар кун базм,
Юртни обод қилишга айлаган жазм,
Бу эзгуликка дунё қилмоқда таъзим.
Чинор меники.
Бари меники.
Халқимники.

Нормамат TOFA

Мустақиллик ҳуқуқдир

Яқинда энг улугъ, энг азиз байрамимиз — Мустақилликимизнинг 21 йиллигини кенг нишонладик. Истиклолимиз халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кечириш имконини бериб, инсоннинг барча соҳада истеъдод ва қобилиятини тўла намоеён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун асос бўлиб келаётди. "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" эзгу ғоясини ўзида мужассам этган ушбу улугъ айём қалбларимизга чексиз ифтихор, ғурур бағишлайди.

Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат ҳамда меҳр-оқибат муҳити мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиётида мустаҳкам пойдевор бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 130дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва иноқликда ҳаёт кечиряпти. Уларнинг тили, урф-одат ва анъаналарини ҳар томонлама ривожлантириш ва ўзаро бойитиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Бу аввало, Асосий Қонунимизнинг V боб, 18-моддасида куйидагича белгилаб қўйилган: "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жиқис, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт".

Бу йил мамлакатимиз тарихидаги яна бир қутлуғ сана - Конституциямиз қабул қилинганнинг 20 йиллигини нишонлаймиз. Юртимизда мустақил, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимиз сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий соҳалардаги тараққиётимиз, юртимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини юксалтириш борасидаги ютуқларимизнинг бош омилли эканлигини фахрланамиз.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутди. Ўз навбатида, мамлакатимизда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 30-31 август кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида ҳам бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонунлар муҳокама этилди. Жумладан, "Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлари. Мазкур қонунлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат органларининг аралашувини камайитириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича қўшимча ҳуқуқий механизмларни яратиш, шунингдек, мансабдор шахс ва давлат органлари хизматчилари томонидан сунистеъмолликларнинг олдини олиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай инвестиция муҳитини яратишга қаратилгандир. Бу ҳужжатларнинг ҳаётга таъбиқ этилиши юртимизда тадбиркорлик муҳитининг янада яхшиланишига хизмат қилади.

Шахло КҮЧИМОВА,
Тошкент шаҳар Мирзо Улўбек тумани
1-Давлат нотариал идораси нотариуси
Азиза БОҚИЖОНОВА,
Тошкент шаҳар Сергели тумани
1-Давлат нотариал идораси нотариуси

Ўзбекистон Жанубий Корея билан дуранг ўйнади

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ЖЧ-2014 саралаш доирасида Жанубий Кореяга қарши учрашувда дуранг натижа қайд этди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси биринчи бўлимни шиддатли ҳужумлар билан бошлади. 13-дақиқада Шохруҳ Гадовнинг диагональ бўйича узатмасидан сўнг рақиб ҳимоячисидан ўзиб кетган Улугбек Бақоев тўпни рақиб дарвозабони устидан ошириб ташлади, аммо корейлик ҳимоячи ўз дарвозасини голдан сақлаб қолишга улгурди. Айнан шу вазиятдан сўнг белгиланган бурчак зарбаси эса Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ҳисобни очишига асос бўлди. Бу вазиятда Сервер Жепаровнинг қанотдан узатган тўпини Санжар Турсунов боши билан дарвоза томон йўналтирди, тўп эса рақиб ҳимоячисига тегиб, сўнг дарвозага бориб тушди.

Голдан ҳеч қанча ўтмасдан вакилларимизда ҳисобни йириклаштириш учун жуда қулай имконият юзага келди. Санжар корейларнинг икки футболчисини усталик билан алдаб, зарба берди, аммо Жуңг Сунг Рён маҳорат билан жамоасини голдан қутқариб қолди.

Миржалол Қосимов шогирдлари тайм охирига қадар ҳисобда олдинда боришга муваффақ бўлдилар. Бирок биринчи бўлим якунланиши арафасида Квак Тае Хви гол урди.

Корейлар иккинчи бўлимда ҳисобда олдинга чиқиб олинди. Учрашувнинг 57-дақиқасида Жанубий Корея ташкил этган ҳужумни Ли Донг Гук гол билан якунлади.

Бирок жавоб голи ўзини кўп куттириб қўймади. 60-



дақиқада кетма-кет икки марта бурчак зарбасини амалга оширган ўзбекистонлик футболчилар, биринчи бўлимда Жуңг Сунг Рён дарвозасига урилган голни деярли такрорлашди. Бу сафар тўп Сервер Жепаровнинг тўп узатишидан сўнг Санжар Турсунов бош билан дарвозани нишонга олди.

Ўйиннинг қолган дақиқаларида ҳар иккала томонда ҳам бир қатор имкониятлар бўлди. Аммо ҳисоб ўзгармай қолди.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ — 2:2 (1:1)
ГОЛЛАР: Ки Сунг Юенг (12, автогол), Санжар Турсунов (59) — Квак Тае Хви (43), Ли Донг Гук (57).

Гуруҳнинг бошқа учрашувда Ливан терма жамоаси ўз майдонида Эрон термасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу ғалабдан сўнг Ливан 4-ўринга кўтарилиб олган бўлса, Эрон ҳамон 2-ўринда. 4-турда дам олган Катар терма жамоаси ҳисобида ҳам 4 очко бор. Ўзбекистон терма жамоаси очколари 2тага етди.

5-тур учрашувлари. 16 октябр, сешанба

КАТАР — ЎЗБЕКИСТОН
ЭРОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ
Ливан дам олади.

Беш медал ва учинчи ўрин

Туркиянинг Истанбул шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда бир олтин, икки кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси вакиллари умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Вазин 91 килограмдан оғир боксчилар баҳсида ҳамюртимиз Улугбек Мубинов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори пононасига кўтарилди.

Муроджон Ахмадалиев ва Анвар Туропов кумуш медал билан тақдирланди. Хакимжон Убайдуллаев ҳамда Жаҳонгир Давидов бронза медалларини қўлга киритди.

Жаҳон чемпионати олдиндан

Россиянинг Калининград шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этадиган Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси аъзолари тайёргарлик босқичидан ўрин олган навбатдаги ўқув-машғулот йиғинини якунига етказишди.

Мавзурхўжа Умархўжаев бошчилигидаги терма жамоамиз аъзолари тайёргарлик босқичидан ўрин олган сўнгги йиғинини 21-30 сентябр кунлари Тошкентдаги Чиғатой ўқув-машғулот базасида олиб боришди.

Қайд этиш керак, Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси сўнгги икки жаҳон чемпионатида чемпионликни қўлга киритган.

Терма жамоамиз аъзолари 3 октябр куни жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Калининград шаҳрига учиб кетишди.

Ўз уйингни ўзинг асра!

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда ёнғин хавфсизлиги қонуноқондаларини тушунтириш ва уларга риоя қилишга қаратилган учрашувлар ташкил этиляпти. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилюкда.

Амалга ошириляётган тадбирлардан қўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга кенг оммани жалб қилишдан иборат. Фуқароларимиз куйидаги ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- очик алағадан фойдаланиляётганда эхтиёткорлик чораларини кўриш.
- электр ва газ асбобларини доимо соз холда тутиш ва носоз холдаги, қўлбола электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик.

Юқоридагига ўхшаш қондаларга риоя қилинса, ҳар бир юртдошимиз йиллаб йиққан мол-

мулки, уй-жойи, қолаверса, ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўларди. Кунлар соvuши билан айримлар қўлбола газ ва электр ускуналаридан фойдаланадилар, натижада кўнгилсиз оқибатлар келиб чиқиши ҳеч гап эмас.

Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича хавфсизлик қондаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай холларни қорхона, ташкилот, аҳоли тураржойларида ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир беғамрок бекаларимиз эса газ плиталарида оват қолдириб, ёнғин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар. Биз, ёнғин хавфсизлиги ходимлари маҳалла фаолларини, барча инсонларни, хонадон эгалларини, фарзандларимизни оғохликка қақирамиз.

Р.САТИБАЛДИЕВ,
Тошкент шаҳар 12-ҲҲХО инспектори

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

"UNICON.UZ" ДУК жамоаси техника фаюлари доктори, профессор, "UNICON.UZ" ДУК бош илмий ходими

Пўлат ҲАСАНОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

"Xabar" газетаси жамоаси газетанинг Бухоро вилоятидаги мухбири Аскар Истамовга волидан мухтарамаси

МУСЛИМА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон паралимпиячилари тантанали кутиб олинди

Жорий йилнинг 29 август — 9 сентябр кунлари Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XIV Паралимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиз юртимизга қайтиб келди.

Тошкент халқаро аэропортида ушбу нуфузли мусобақада иштирок этган паралимпиячиларимиз тантанали кутиб олинди.

Паралимпияда ўйинларида ўн нафар ўзбекистонлик спортчи мураққаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, Паралимпия ўйинларининг дзюдо, енгил атлетика, сузиш ва пауэрлифтинг беллашувларида иштирок этди.



Нуфузли мусобақанинг дзюдо баҳсларида қатнашган ўзбек полвони Шариф Халилов XIV Паралимпия ўйинларининг кумуш медалини қўлга киритди.

Сузиш мусобақасида қатнашган ҳамюртимиз Кирилл Панков XIV ёғи Паралимпия ўйинлари тарихига Осиё рекордчиси сифатида кирди. Ун етти ёшни қаршиляётган умидли спортчимиз аввал 100 метрга баттерфляй усулда сузиш мусобақасида китъа рекордини ўрнатди. К.Панковнинг 100 метрга чалқанча усулда сузиш бўйича саралаш мусобақасида кўрсатган натижаси ҳам ҳакамлар томонидан Осиё рекорди сифатида баҳоланди.

Тажрибали спортчимиз Хусниддин Норбеков диск улоқтириш мусобақасида 52 метру 5 сантиметр натижа қайд этиб, шахсий рекордини янгилади ва тўртинчи ўринни эгаллади. Дониёр Солиев ва Миран Саҳатов уч хатлаб сакраш баҳсларида, Иван Пашифидин, Равил Диганшин, Хусниддин Норбеков ядро улоқтириш бўйича финал беллашувларида иштирок этди. 100 метрга югуришда Муяссар Иброҳимова ярим финалга чиқди.

Пауэрлифтинг баҳсларида қатнашган Яшин Шобердиев ва Елена Абасованинг кўрсатган натижалари ҳам муҳлису мутахассислар эътиборини тортди.

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 188-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2006 йилнинг 26 июнида Алишер Талипов номига берилган 0531580 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан лицензия талабларини ва лицензия шартномасида кўзда тутилган шартларни қўпол равишда бузганлиги учун Тошкент шаҳар Хўжалик суди 2012 йил 13 августда МЧЖ шаклидаги "OZDUNROBITA" ХКга берилган қўйидаги лицензияларнинг амал қилишини тутатиш тўғрисида қарор қабул қилди:

- кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича 28.07.2004 йилда берилган АА серияли 0000682 рақамли;
- шаҳарлараро телекоммуникациялар тармоқларини лойихалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича 28.07.2004 йилда берилган АА серияли 0000683 рақамли;
- маълумотларни узатиш тармоқларини лойихалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича 28.07.2004 йилда берилган АА серияли 0000685 рақамли;
- халқаро телекоммуникациялар тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича 02.07.2008 йилда берилган АА серияли 0002524 рақамли;
- телерадиозинтиришларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича 15.01.2009 йилда берилган АА серияли 0002739 рақамли.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг (апелляция инстанцияси судининг) 2012 йил 27 августдаги маъзур иш бўйича қарори билан биринчи инстанция судининг 2012 йил 13 августдаги қарорини ўзгартиришсиз қолдириш тўғрисида қарори қабул қилинди.

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ

Сканворд

ИЧИМЛИКЛАР Фойдалими?

— Тиббиёт ходимларининг фикрича, ички аъзолари беуқсон ишлашни истаган ҳар бир инсон бир кунда 1,5-2 литргача сув ичиши лозим экан. Бошқа чанқовбости ичимликлар ҳам сувнинг ўрнини босадими? Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Ибодат ЭШОНҚУЛОВА,
Оққўрғон тумани

— Ҳақиқатан ҳам инсон ҳавонинг қандай бўлишидан қатъи назар кун давомида тез-тез сиз айтган миқдордаги суюқликни ичиб туриши керак. Шуниси аҳамиятлики, бошқа суюқликлар ҳам сувнинг ўрнини босади. Масалан:

● **НАЪМАТАК** дамламаси С витаминига бой бўлиб, тетиклаштирувчи ҳамдир. Шамоллаш касалликларини даволашда жуда фойдали. Жигар, буйрак, ўт пуфагидаги кераксиз моддаларни суриб чиқаради. Бир стакан наъматак дамламаси 140 калория қувватга эга.

● **КЎК ЧОЙ** чанқовбости ичимлик бўлиши билан бирга, остеопороз ва юрак қон-томир касалликларига чалиниш хавфини камайтиради. Шунингдек, антиоксидантлар туфайли танадаги хужайраларни жуда яхши ҳимоялайди ва саратоннинг олдини олади. Таркибидаги кофеин сабаб тетиклаштиради, фтор сабаб тиш эмали мустаҳкамланади.

● **АПЕЛСИН** шарбати ҳам С витаминига бой. У чарқоқни таркатади ва иммунитетни оштиради. Бир стакан табиий йўл билан олинган апельсин шарбати 115 калорияга эга.

● **ПОМИДОР** шарбати таркибидаги ликопен овиз бўшлиғи, ошқозон, ўпка, жигар, сут безлари ва бачадон бўйи саратонига чалиниш хавфини камайтиради. Лекин ичаклари шамоллаган беморлар уни истеъмол қилмагани маъқул.

● **КАКАО** инсонга тетиклик бағишлаш билан бирга кайфиятни кўтаради. Унинг таркибида эса терининг эгилувчанлигини оширадиган, йўтал рефлексида фориг қиладиган геобромин моддаси мавжуд.

Гўзал юртимиз ана шундай табиий неъматлари билан ҳам қадрлидир.

Лазоқат ХУДОЙБОҚОВА,
шифокор

Grid crossword puzzle with words in Uzbek. Some cells contain smiley faces. Arrows indicate the direction of the words.

Мабрик.ай.уз!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Водиа ва Қўқон почта алоқаси тармоқлари ходимлари Абдунаби ОМОНОВ ҳамда Шаҳодатой ИБРОХИМОВАларни 50 ёши билан табриклайди. Уларга энг эгу тилакларини йўлайди.

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали жамоаси Қўқон ва Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламалари ходимлари Баҳодиржон ПАРМОҶОВ ҳамда Людмила ГОНЧАРОВАларни 50 ёши билан самийий кутлайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узок умр, фарзандлар роҳатини кўришни тилайди.

“Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Беруний телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама ходими Кураббой МАШАРИПОВни кутлук 60 ёшга қарши олиши билан табриклайди. Унга узок умр, мустаҳкам соғлиқ, оиланин хотиржамлик тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиали Жума почта алоқаси тармоғи жамоаси “Тумбаа” алоқа бўлими бошлиғи Гулчехра РУСТАМОВАни 50 ёшга тулиши муносабати билан табриклайди. Унга сихат-саломатлик, бахт-саодат тилайди.

<p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҶЧИМОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАХМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДҲОДЖАЕВ, Сувои НАЖБИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.</p>																											
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгалигига қайтарибмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.</p>		<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҶРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.</p>																											
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинғ жума кунинг чикади</p>	<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Г-952 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 14818 нусха.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>																										
<p>Вилоят муҳбирлари:</p> <table border="1"> <tr> <td>Андижонда</td> <td>Бухорода</td> <td>Гулистонда</td> <td>Жиззахда</td> <td>Навоийда</td> <td>Наманганда</td> <td>Нукусда</td> <td>Самарқандда</td> <td>Термизда</td> <td>Тошкентда</td> <td>Урганчда</td> <td>Фарғонада</td> <td>Қаршида</td> </tr> <tr> <td>226-47-80</td> <td>223-27-85</td> <td>40-12-19</td> <td>226-06-34</td> <td>225-91-10</td> <td>232-97-86</td> <td>554-35-45</td> <td>233-61-81</td> <td>224-06-12</td> <td>288-40-66</td> <td>226-37-16</td> <td>224-91-56</td> <td>931-08-99</td> </tr> </table>					Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчда	Фарғонада	Қаршида	226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-06-34	225-91-10	232-97-86	554-35-45	233-61-81	224-06-12	288-40-66	226-37-16	224-91-56	931-08-99
Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчда	Фарғонада	Қаршида																		
226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-06-34	225-91-10	232-97-86	554-35-45	233-61-81	224-06-12	288-40-66	226-37-16	224-91-56	931-08-99																		